

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 8-IYUN, shanba
№ 69-70 (14561)

САММИТ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

7 июнь. Санкт-Петербург. ЎЗА махсус мухбири
Анвар Бобоев хабар қилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Санкт-Петербургдаги саммити давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда ташкилотни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Сўнг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Томонлар ташкилот доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро алоқалар механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокаралар якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартияси ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида минтақавий антитеррор тузилмаси ҳақидаги битим имзоланди.

Мазкур маросимдан сўнг президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, ўзаро мулоқотларнинг натижалари, қўрилган масалалар ҳақида сўзлади.

Унда давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди. Ислоҳ Каримов табиий хом-ашё заҳираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энергетика тизимини яратиш ва атроф муҳит муҳофазасига эътиборли муносабатда бўлиш — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканини айтди.

Шу билан саммит ниҳоясига етди.

(ЎЗА)

ҒОЛИБЛАР САЁҲАТДА

“Сиз тарихни биласизми?” кўрик-танлови ғолиби — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги тарих фанига ихтисослаштирилган 9-мактаб ўқувчилари яқинда Самарқанд вилояти бўйича “Буюк келажак сари” экспедициясини уюштирдилар.

— Бундай экспедицияларда юриш, саёҳатларда қадимий жойларни кўришга нима етсин. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган “Сиз тарихни биласизми?” танловида ғолиб чиққанимиз боис мазкур сафарга йўл олинди, — дейди мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Туробова. — Мактабимиз ўқувчилари уч йилдан буён бу кўрик-танловда ғолиб чиқишяпти.

Экспедиция ёшларда катта таассурот қолдирди. Саёҳат яна давом этади.

Жобир ХЎЖАКУЛОВ

Репродуктив саломатлик:

ЗАИФ ЎСГАН БОЛА

Заиф туғилган чақалоқ тенгдошларидан секинроқ ривожланади. У касалманд бўлиши ҳам мумкин. Аммо вақт ўтган сайин спорт билан мунтазам шуғулланиши, иродасини чиниқтириши натижасида жисмоний жиҳатдан барча тенгдошларини ортида қолдириб кетиши ҳам мумкин.

Айрим болалар табиатдан берилган озгина қобилиятни катта меҳнат ва ирода билан ривожлантирадilar. Баъзиларнинг қобилияти, туғма лаёқати бекорчи нарсаларга вақт сарфлашлари туфайли кўзга ташланмайди ёки ўз вақтида тўғри йўналтирилмайди. Кимдир ақл, ирода, меҳнат туфайли озгина наслий меросини ҳаёт давомида бойитиб ўз фарзандларига намуна ҳам бўлади. Етарли наслий мерос ҳам қолдиради. Демак шахс учун муҳими отабоболарига муносиб фарзанд эканлигини намоён қилиб яшашдир. Ота-боболаридан ҳам ортиқроқ ютуқларга эришиб, авлодлар обрўсини оширишга ўз ҳиссасини қўшишдир.

Ўз мухбиримиз



Азиз АҚРОМОВ олган сурат

АБИТУРИЕНТНИНГ БИЛИМ САВИЯСИ уни қандай аниқлаш мумкин?

Бу юмушни адо этишни Самарқанд Давлат университети қошидаги ўқув-диагностика маркази ўз зиммасига олган, дея эшитган эдик. Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг абитуриентларни ўз бағрига чорлаш, яъни қабул мавсуми тобора яқинлашиб келаётган бир пайтда энг умидли ёшларимизнинг илм даражалари қандай ва у қай тарзда ўлчанар экан? Шу каби қатор саволлар бизни марказ томон етаклади.

— Мен Тойлоқ туманидан келдим, — дейди қатор қўйилган компьютерларнинг биридан жой олган Анвар Хуррамов. — Туманимиздаги 4-мактабни битирганман. Ўтган йили тарих факультетида ҳужжатларимни топшириб, имтиҳонлардан ўтолмадим. Ўқитувчиларимнинг маслаҳати билан бу ерга келдим. Бугун биринчи бор топширяпман. Унчалик юқори балл тўплай олмадим. Тарих факультетида кириш учун бу билимим камлик қилар экан. Нотаниш саволларни ёзиб олдим. Энди уларни ўқитувчиларим билан бирга ўрганамиз.

— Менинг исмим Лобар. Термиз шаҳридан келиб шу ерда тайёрланаяпман. Бугун учинчи марта ўзимни

синаб кўрдим. Ўтган йилда Самарқанд Давлат университетига шартнома билан кирдим ўқимадим. Бу ерга тайёрланишга келган дастлабки кунларда балларим анча паст эди. Ўз устимда кўпроқ ишладим, ўқидим. Ҳозир математикадан кўрсаткичларим яхши, химиядан эса ҳали кўпроқ ўқишим керак экан.

— Худди кириш имтиҳонларидаги тестлардек уч соат вақт, ҳар бир фан учун 30 та савол берилади, — дейди ўзини Шохрух Муртазоев деб таништирган навбатдаги суҳбатдошимиз.

— СамДУнинг иқтисодиёт факультетида кирмоқчиман. Учинчи марта келишим. Инглиз тилидан яхши балл тўплайман. Математикадан баъзи формулалар ечимига қийналдим. Ҳозирги билимларим шартнома асосида ўқишга етар экан-у, аммо давлат гранти билан таҳсил олганга не етсин.

— Марказимиз Республика Давлат Тест Марказига уланган, — дейди марказ ходими Олим Аъзамов. — Аъзоларимизнинг баллари ҳам бевосита ўша ерда модем тизими орқали чиқарилади. Тарих факультетида кириш ниятида бўлган


қатнашчиларимиз бор. Шулардан бири тўртинчи бор ўзини синаб кўрди. У берган тўғри жавобларнинг асосийси она тили ва адабиётдан. У мавжуд билим савияси билан тарих факультетида шартнома асосида ўқиши мумкин. Жавоблар натижасига қаралса ўзбек филологиясига бемалол давлат гранти орқали ўтади.

Баъзан ота-оналар ҳам келиб, Давлат Тест Марказининг янги саволлар базасидан кўпроқ берилишини сўрашади. Тайёрланувчиларимизнинг асосий қисми Самарқанд шаҳри, Тойлоқ ва Ургут туманларидан, Ургутнинг “Иқбол” лицейи ўқувчилари гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишни ҳам ташкил қилишган. Вилоятимизнинг узок туманлари, хатто Жиззах ва Қашқадарё вилоятларидан ҳам абитуриентлар келиб ўз билимларини синаб кўришяпти. Бу биринчидан уларнинг саёз томонларини кўрсатиб берса, иккинчидан кириш имтиҳонларида вақтдан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Баъзилари хатто билим савияларига қараб ўз фикрларини ўзгартирган пайтлар ҳам бўлди.

Ўтган йили марказимизга қатнаб юрган уч киши ҳуқуқшунослик факультетида топширмоқчи эди. Бизда кўп йиллик таҳлиллар бор. Шу асосда уларга тарих факультетида киришни маслаҳат бердик. Учласи ҳам энг олдинги ўринларда давлат гранти орқали тарих факультетида ўқишга киришди. Ўқишга қиролмай сарсон бўлишмади, вақтлари ҳам бир йил тежаб қолинди. Демокчиманки, диагностика марказида улар ўз иқтидорларини тўғри баҳолаб, камчиликларини кўра олади. Биз ходимлар ўз маслаҳатларимизни, таклифларимизни билдирамиз, хулоса эса уларнинг ўзларидан.

Шу ўринда бир нарсани айтиш ўринли. Бу ҳам социологик тадқиқотдек гап — инсон иқтидорини аниқлаш ва тўғри томонга йўналтириш. Қанийди, шу каби имкониятдан республикамизнинг барча ёшлари баҳраманд бўлишса, ўз илмий салоҳияти, савиясини тўғри баҳолай олмай, аттестатдаги баҳоларга ишониб, баъзан йиллаб вақтлари бекорга сарф бўлаётганларнинг сафи балки камаярмиди.

Зоҳида БОЙМАТОВА



Маълумки, бугунги шиддатли давр ҳар биримиздан қонуларни яхши ўрганиш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни тўлиқ англаб етишни талаб қилмоқда.

Ёшларнинг юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбияга эга бўлишлари, давлатимиз ривожининг бош омили ҳамда адолат ва қонун устуворлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Мустақил давлатимизнинг асосий мақсадлари бозор иқтисодига ўтиш, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишига эришиш кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ.

Юқоридаги мақсадлар йўлида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бир қанча хайрли тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бу ўринда Ҳаракат ташаббуси билан Адлия, Халқ таълими, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, Олий Суд, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ташкил этилган республика умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўртасида ўтказилаётган "Сиз қонунни биласизми?" кўрик танловини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Бир неча йилдирки, бу танлов бўлажак ҳуқуқшунослар учун алоҳида синов вазифасини ўтаб келмоқда. Кўрик-танловнинг йилдан-йилга оммалашиб, ундаги иштирокчилар сонининг ортиб бориши ёшлар

римизнинг ҳуқуқий билимларга бўлган эҳтиёжини ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Мазкур танловда дастлаб республикамиз бўйича 500 мингдан зиёд ўқувчи-талабалар иштирок этган бўлса, бу йилга келиб иштирокчилар сони қарийб 900 мингга яқини ташкил қилди.

Анъанавий "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг якуний босқичи навқирон Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Ҳар бир вилоятда энг кучли деб топилган жамоалар икки кун давомида бешта шарт бўйича ғолиблик учун куч синашди. Тадбирга мезбонлар — "Қамолот" ижтимоий ҳаракати Жиззах вилоят Кенгаши томонидан алоҳида тайёргарлик кўрилгани мусобақалар давомида сезилиб турди.

Якуний баҳслар Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театри биносидан бўлиб ўтди. Танловни "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қарамон Куронбоев кириш сўзи билан очиб, барча иштирокчиларга омад тилади. Шундан сўнг жамоалар 1-шарт, яъни таниш-

тирув шарт бўйича ўз чиқишларини намойиш қилдилар.

Ташланган қуръага кўра уни Сурхондарё вилоятининг "Парламент" жамоаси бошлаб берди. Биринчи шарт бўйича Сурхондарёнинг "Парламент", Қорақалпоғистоннинг "Ёшларни тартибга солиш", Фарғонанинг "Ёш ҳуқуқшунослар" жамоалари ўзига хос чиқиш намойиш қилиб, кўпчилиكنинг олқи-

Жамоаларнинг кейинги, сахна кўриниши шарт бўйича намойиш қилган чиқишлари асосан суд жараёнларининг боришини кўрсатиб беришдан иборат бўлди. Ҳар бир гуруҳнинг чиқиши ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар томонидан синчковлик билан кузатиб турилди. Уларнинг ўзини гўё ҳақиқий судья, прокурор ёки адвокатдек тутишлари, кишида умид учқунларини уйғотиб, ал-

сида, балки, адабиёт, санъат соҳасида ҳам фаолликларини кўрсатишди. Бу борада айниқса Жиззахнинг "Адолат", Наманганнинг "Сардорлар", Самарқанднинг "Адолат", Хоразмнинг "Истиқлол" жамоалари чиқишлари, улар орасида истеъдодли ёшлар кўпчилигидан дарак бериб турди.

Биз танлов якунида баъзи иштирокчиларнинг кўрик-танлов ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик:

Жамол АБДУКОДИРОВ, Жиззах вилоятининг "Адолат" жамоаси сардори:

—Биз бу танловга ўқув йилининг бошидан бери тайёргарлик кўриб келамиз.

Мақтабимиздан бир неча ўткир ҳуқуқшунослар етишиб чиққан. Бу каби танловлар кўпроқ ўтказилса, ўйлаймизки тенгдошларимизнинг ҳуқуқий билимлари янада ошади.

Дилдора БҲУРОВА, Андижон вилоятининг "Адолат" жамоаси иштирокчиси:

— Кўрик-танлов кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди. Унга "Қамолот"чилар томонидан алоҳида тайёргарлик кўрилгани ҳаммамизга маълум. Лекин бир нарсани айтмоқчиман, кўпчилик жамоалар бир хил номни, яъни, "Адолат" деган номни ўз гуруҳларига танлаб олишган. Менимча, якуний босқич олдидан жамоалар вакиллари йиғиб, жамоа номларини ва шiorларини кели-

шиб олинганида танлов янада чиройли ўтарди, деб ўйлайман.

Алишер Рахимов, Бухоро вилоятининг "Ифтихор" жамоаси аъзоси: —Баъзи тенгдошларимиз биринчи ва эркин мавзу шартларида яхши чиқиш қилганларини, фақат савол-жавоб шарт уларга оғирроқ бўлганини айтишди. Менимча, асосий мақсадимиз ҳуқуқий билимлар юзасидан баҳслашиш бўлган, албатта савол-жавоб шартига алоҳида тайёргарлик кўриш лозим эди, деб ўйлайман. Ахир бу, санъат байрами эмас-ку.

Қизгин курашлар билан икки кун давом этган кўрик-танлов якунига кўра Қорақалпоғистоннинг "Ёшларни тартибга солиш" жамоаси 206,5 балл тўплаб биринчи, Самарқанднинг "Адолат" (204,5) ва Жиззахнинг "Адолат" (196,0) жамоалари иккинчи ҳамда Тошкент шаҳрининг "Адолат" (195,5), Хоразм вилоятининг "Истиқлол" (195,5) ва Тошкент вилоятининг "Ибрат" (195,5) жамоалари учинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Бошқа бир қанча номинациялар бўйича ҳам иштирокчиларга мукофотлар топширилди.


Ғолиб ва совриндорларга "Қамолот" Марказий Кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар, шу билан бирга мезбонларнинг ҳам эсдалик совғалари тақдим этилди.

Шу билан "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг якуний босқичи ўз ниҳоясига етди.

Хуршид РЎЗИЕВ, «Turkiston» мухбири

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди



шига сазовор бўлди.

Иккинчи, яъни савол-жавоб шарт эса жамоалар билимининг яққол намоён қилиб берди. Иштирокчиларда бироз ҳаяжонланиш, берилган саволдан чалғиб кетиш ҳолатлари кузатилган бўлсада, кўпчиликнинг аниқ ва раво, топқирлик билан берган жавоблари қувонарлидир. Бу шартда айниқса Андижоннинг "Адолат", Бухоронинг "Ифтихор", Қашқадарёнинг "Адолат" ва Хоразмнинг "Истиқлол" жамоаси иштирокчилари бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, саволларга имкон қадар тўлиқ жавоб бердилар.

батта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сардорлар баҳсида ҳакамлар ҳайъати томонидан гуруҳ сардорларига бир қадар имкон берилиб, уларнинг ақл ва фикрга таяниб, аниқ жавоб беришларига кўмаклашилди. Уларнинг жавоблари кўшимча саволлар билан аниқлаштирилгани ва ҳакамлар томонидан шарҳлаб ўша пайтдаёқ баҳонинг эълон қилингани кўпчиликка манзур бўлди.

Сўнгги—эркин мавзу шарт бўйича эса иштирокчилар бадий-музика чизиш намойиш қилиб, ўзларининг нафақат ҳуқуқ соҳа-

«СЕВГАН ҚИЗИМДАН ХАТ ОЛДИМ»

Ёзувчи аскарлар билан учрашди

Аскар йигитларнинг бўш вақтларини сермазмун учрашувлар билан ўтказиш юртимизда анъана тусини олган. Кун кеча яна бир ажойиб учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Учрашувга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин



ўқилганда йиғилганлар қарсак чалиб юборишди.

—Бугунги учрашув ҳаётимнинг энг унутилмас дамларидан бири бўлиб қолади, дейди оддий аскар Фулом Ёқубов. —Чунки, мактаб давридаёқ Мирмуҳсин асарларини севиб ўқирдим. Адиб билан учрашув эса хизматдош ўртоқларим қатори кўнглимни кўтариб юборди.

— **Хизмат қандай ўтаяпти?**

— Зўр. Хизматда қийинчилик бўляпти, деган сўз йигит кишига ярашмайди, — дейди фарғоналик оддий аскар Валиёр Маҳмудов. — Ахир, оптимизмда ота-онамиз, дўстларимиз, қолаверса Ватан турибди. Уларнинг ишончини оқлаш, ким эканлигимизни, нималарга қодирлигимизни кўрсатишимиз зарур.

— Мақсадимиз аскарларнинг маънавий оламини бойитиш, Ватанга бўлган муҳаббатини янада ошириш, — дейди майор Алишер Абдуллаев. Хизматни ўтаётган ёш аскарларимиздан шижоат, тартиб талаб этилади. Буни урдасидан чиқаётганлар эса ҳақиқий юрт ўғлини эканлигини амалда кўрсатаяпти. Демак, улар миллат келажагига, тинчлигимизга бефарқ эмас.

Учрашув сўнггида аскар йигитлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан адибга мурожаат қилишди. Бир сўз билан айтганда, учрашув кўнглидагидек ўтди.

Бехзод АБДУНАЗАРОВ, «Turkiston» мухбири.

Азиз АҚРОМОВ олган суратлар

таклиф этилди.

— Ҳарбий соҳа муҳим ўринларни эгаллайди, — дея сўз бошлади устоз ёзувчимиз. — Айниқса, Сарисий ва Узун туманларида содир бўлган кўпурвчилик ҳаракатларида йигитларнинг хизмати сезиларли даражада кўрингани кўпчиликка сир бўлмаса керак.

Ўз соҳаларига нисбатан билдирилган мақтовли сўзлардан аскар йигитларнинг кўнгли тоғдек кўтарилганини пайкаш мушкул эмасди.

—Бундан икки йил муқаддам бир аскар йигит мендан севган қизи учун яхши бир шеър ёзиб беришимни сўради. Сабаби, йигитнинг ҳеч бир мактубига қиздан жавоб келмаётган экан. Хуллас, унинг айтганидек қилиб шеър ёзиб бердим. Орадан икки ойлар ўтгач, ўша йигит ёнимга келиб, севган қизимдан хат олдим, у ҳам мени севаркан, деб шеъримни кўлимга тутқазди. Бу мен учун қутилмаган ҳол эди...

Адибимизнинг "Ўша кўзлар ҳамон ёдимда" шеъри айна шу йигит илтимоси билан ёзилиб, кўпчиликка манзур бўлган эди. Кечада ҳам ушбу шеър

Бозор муносабатлари даврида жамиятнинг табақалашиб бориши табиий жараён. Мамлакатимизда юритилаётган ижтимоий сиёсат фақат бугуннинг талабидангина эмас, келажақдаги жамиятнинг ижтимоий ҳаётини аниқ кўра билиш заруратидан ҳам келиб чиқади. Бу одамларда ўзи ва ўз оиласи фаровонлиги учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялайди.

Агар яқин тарихга назар ташласак, бойлик учун ёки унга қарши курашмасдан, камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашиб, бор иқтисодий имкониятларини ўрта қатламни шакллантиришга ҳаракат қилган мамлакатлар салмоқли ютуқларга эришганлигини кўраимиз. Бу соғлом мантиққа ҳамоҳанг йўл тутилганлиги, яъни, инқилобий зўрлик йўлини ҳам, стихияли ижтимоий ривожланишни ҳам четлаб ўтиб, кенг қамровли ижтимоий-сиёсий ислохотлар йўли танланганлиги туфайлидир. Зеро, бунда асосий ижтимоий-иқтисодий вазифалардан бири деб жамиятнинг ўрта қатламини шакллантириш назарда тутилади.

Хўш, ўрта ижтимоий қатламнинг ўзи нима? Ўрта қатлам — бу ўз шахсий мулки, яъни турар жойлари, шахсий транспорт воситаларига эга бўлган, ўзини, ўз оиласини, ҳаётини муносиб тарзда моддий таъминлай оладиган, ўзини ва оила аъзолари асосий ижтимоий эҳтиёжларини (таълим

олиш, дам олиш, сифатли табиий хизматдан фойдаланиш)қондириш учун етарли моддий асослари мавжуд бўлган ва энг муҳими — бу имкониятни ўз иш ҳақи ва даромадлари эвазига таъминлай оладиган фуқаролардир. Жамиятнинг айнан ўрта қатлами

ЎРТА ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМ

ёхуд ўта бой-бадавлатлик жамият тараққиётига хизмат қиладими?

миллий бойликнинг асосий қисмини яратади, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади. Бундай қатламнинг шаклланиши шунингдек, жамиятнинг кескин табақалашувига — ошиб-тошиб кетган бойлару, камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймайди. Жамиятнинг мулкий жиҳатдан қўтларга ажралиб кетишининг олдини олиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини мувозанатга келтириш, фуқароларнинг бирдамлигини таъминлаш, ўрта қатламни барпо этиш билан боғлиқ. Эндиликда бозор муносабатларининг шаклланиб бориши жараёнида даромадлари, мақомлари, турмуш даражаси ва сифатига кўра бир-бирларидан фарқланувчи қатламлар ёнма-ён ҳаёт кечирмоқда. Бундай табиий жараённи ҳамма ҳам тўғри баҳолайвермайди. Бу ҳолга нафақат одамлар онгидаги эски, сохта тенглик тушунчалари, боқимандалик

Islohot va inson

кайфияти, балки айрим шахсларнинг бойликка ружў қўйиши, очкўзлик, исрофгарчилик, бошқаларни менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилишдек иллатлар ҳам сабаб бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Бунга

айримлар учун ҳаёт тарзига айланган таъмағирлик, порахўрлик, тўрачилик каби жирканч қиёфага қираётган ҳолатларни

қўшадиган бўлсак, ҳалол меҳнат кишининг руҳий изтиробларини тушуниш қийин эмас.

Албатта, бозор-совуққон, эътирозсиз ҳакам. Лекин у ўз йўриғига адолатли, зеро, талаб ва таклиф асосига қурилган. Бозор шу йўсинда боқимандаликка шафқат қилмайди, рақобатни қучайтириб юбориши мумкин. Шунга қарамай, жамият ижтимоий адолатга, шахс эркинлигига таяниши зарур.

Мамлакатимизда ўрта ижтимоий қатламнинг шаклланиши мураккаб, аммо муттасил кечмоқда. Бозор механизмларини ҳаётга тадбиқ этиш қанчалик мунтазам тус олса, бу улкан ижтимоий жараён ҳам шунчалик барқарор кўламга эга бўлади.

Абдусалим ҒАНИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР



Мамлакатимизда хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Қолаверса, ушбу алоқаларни мунтазам равишда кенгайтиришни мақсад қилган жамиятлар сони ортиб бормоқда.

Шундай ташкилотлардан бири Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти ўз фаолиятини бошлаганига яқинда беш йил тўлди.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни замон талаблари асосида кенг ривожлантириш, мустақил Ўзбекистоннинг турли жабҳаларида қадам-бақадам эришяётган ютуқларни хорижда кенг тарғиб қилиш, жорий мамлакатлар жамоатчилигини халқимизнинг бой тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати билан мунтазам таништириб бориш, "халқ дипломатияси" имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш — жамият олдидан турган асосий вазифалар жумласидандир. Кенгаш моддий жиҳатдан ўз-ўзини таъминловчи, тадбиркорлик ва тижо-

рат билан шуғулланувчи нодавлат жамоат ташкилотидир. Котибият таркибидан чет эллардаги ватандошлар билан ишлаш, Европа ва АҚШ, Осиё ва Африка, Тинч океан минтақаси мамлакатлари, МДХ, халқаро ташкилотлар билан ишлаш бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Кенгаш қошида 36 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари мавжуд бўлиб, улардан 31 таси қайта тузилган. Покистон, Туркия, Ҳиндистон, Миср, Словакия, АҚШ, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия каби давлатларда тузилган турдош ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Кенгаш фаолиятида хориждаги ватандошлар билан ишлаш алоҳида ўрин эгаллаган. Бунда дунёнинг турли мамлакатларида истиқомат қилаётган ҳамюртлари-

миз билан яқин алоқалар ўрнатиш, улар ёки уларнинг ота-боболари туғилган ер, она тили, маданияти ва тарихини унутмасликларига кўмак бериш, ватандошларнинг диаспоралари орқали улар истиқомат қилаётган юрт аҳолиси орасида Ўзбекистонга нисбатан ижобий муносабатларини уйғотиш ва ривожлантиришни Кенгаш ўз олдидан турган вазифалардан бири деб билади.

Бугунги кунга келиб ташкилий ва молиявий шаклланиш даври ниҳоясига етди, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни ўрнатишда янги услубларни топиш, мавжуд ришталарни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, уларни муайян тизимга келтириш Кенгаш олдидан асосий мақсадлардан бири бўлиб, уларни амалга ошириш унинг барча аъзоларидан фаол хатти-ҳаракатни талаб қилади.

Дилноза СОБИРОВА,
талаба

Ҳозирги даврда дунё тиббиётидаги энг муҳим муаммолардан бири ОИТС касаллигининг олдини олиш ва даволаш йўллари топиш ҳисобланади.

ОИТСни профилактика қилишнинг ягона йўли—аҳоли ўртасида у ҳақида тулиқ тушунча беришдан иборат. Шунинг учун Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бош-

ёшлар орасидаги ўрни, ёшларнинг ўзини тутишга қаратилган. Ҳозирги кунда давлат талаби—ўсиб келаётган ёшларнинг тафаккурини, дунёқарашини тўғри йўлга қўйиш,—деди Акмал Икромов тумани прокурор ёрдамчиси Жаҳонгир Усмонов.

Барча иштирокчилар бу муаммоларнинг олдини олиш учун қандай ишларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида фикр юритдилар. Кейин мутахассислар томонидан талабаларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

—Одам маънавий жиҳатдан етук бўлса, ҳеч қанақа касаллик ҳам келиб чиқмайди, ҳар томонлама ўзини тарбиялаб боради, ёшларнинг ҳаёти ўзларининг қўлларида,—шундай сўзлар билан С. Содиқов суҳбатга якун ясаркан. Албатта фестивал давомида айтилган фикр-мулоҳазалар талабаларни огоҳликка, ҳушёрликка ва ўзига нисбатан масъулият ҳиссини уйғотишга чорлайди.

Мадина ШУКУРОВА,
талаба

ҲАЁТИМИЗ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

лангич ташкилоти ташаббуси билан СПИД, наркомания ва жиноятчиликнинг олдини олишга бағишланган фестивал бўлиб ўтмоқда. Унда СПИД мавзусига оид фильм намойиши, мавзуга оид иншо ёзиш, деворий газеталар конкурсини ўтказиш, мавзуга асосан талабаларни суҳбатга таклиф қилиш ва фестивалнинг якуний босқичида талабалар иштирокида СПИД, наркомания ва жиноятчиликнинг оғир оқибатларини намойиш қилувчи сахна чиқишлари ўрин олди.

—Бугунги йиғилишимизнинг асосий мавзуси жиноятчиликка қарши кураш, гиёҳвандликнинг

Jinoyat jazosiz qolmaydi

ҚЎШМАЧИННИНГ ҚИЛМИШИ

Боғотнинг Деҳқонбозор қишлоғида азалдан миришкор ва тадбиркор инсонлар умргузаронлик қилади. Бироқ гуручнинг орасида курмак ҳам бор, деганларидек бу ерда қинғир ишни "қийиб" қўядиганлар ҳам йўқ эмас экан. Ана шундайлардан бири Гулнора Сапаева деган аёл. 45 ёшга яқин бўлиб бу аёл, аслида тўрт нафар фарзанднинг онаси. Минг афсуски, унинг жигарпораларидан ҳам кўра гуноҳ ишларнинг "онаси"га айланиб қолганининг ўзи бир қисса...

Бундан бир неча йил муқаддам Г.Сапаеванинг эри С. Жумабоев гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир қилгани боис озодликдан маҳрум қилинади. "Сулаймон кетди, девлар кутулди", деганларидек, вақтинча "боши очик" қолган хотин кўнгли тусганига қўл уради. Уйини тунги "ов"чи қўналғасига айлантиради. Саёқ "хонимлар"ни "отар"га жўнатиб, улардан "улуш" ундириб, қозон қайната бошлайди. Бирон бир жойда ишлаш, фарзандларини ҳалол меҳнатга қўнқитириш каби инсоний ақлларни шу даражада унутиб юборадими, оқибатда Г.Сапаева хонадони разолат ботқоғига қулади.

Ҳали вояга етмаган Ф. чимилдиққа кириб, ёр-ёр эшитишни ҳаёлига ҳам келтирмай, ишқ эҳтирослари домиди Р.исмли ошқик йиғит билан яшай бошлайди. Ошқик ва маъшукларнинг топишганига икки ҳафта ўтмасданоқ кўйди-чиқдилар болалайди.

Куёвгўра Р. тилига эрк бериб юборган Ф.га бир шепалоқ уради. "Сиркасини сув кўтармаган" келинпошшо туғунини кўлтиришга қистанича Деҳқонбозор қишлоғида яшайдиган опасиникига жўнайди. Бахтта қарши опаси уйда йўқ эди. "Энди нима қиламан?" — дея ўйланиб ўтирмаганди Ф. нишонни беҳато олиб Г.Сапаеванинг уйига боради. Униқига келгач, опаси З.ниқига келгани, у эса уйда йўқлигини айтиб, бироз кутиб ўтиришга ижозат сўрайди. Таниш-нотаниш қизларни жонини "қоқиб" кутиб оладиган бу аёл Ф.ни ичкарига таклиф қилиб, илтифотлар кўрсатади.

"Тўрага ўтиб тўраҳон" бўлган Ф.эса Г.Сапаева билан бир пасда опоқ-чапоқ бўлади. Дарди-дилини дастурхон қилишга ҳам улгуради. Унинг келинмачилик сабабиди тарки ёр қилиб, дарбадар юрганига Гулнора опасига сариқбай хуш ёқди. "Уйимнинг тўри ҳам, қалбимнинг кўри ҳам сенники". — дея Ф.ни шу ерда қолишга кўндиради. Туғишдан опасиникига боришни буткул унутган кутилмаган меҳмон Г.Сапаеванинг тантани синглисига айланади.

Қўшмачиликнинг ҳадисини олган бу аёл эртасигаёқ маишат истаб келган таниш-би-

лишлари билан Ф.ни "қовуштириб" қўяди. Эвазига, албатта, "улуш" олишни қанда қилмайди. Орадан уч кун ўтиб, хотинини ахтариб келган Р. уни Г.Сапаеваниқидан топади ва ўзи билан бирга олиб кетади.

Ҳеч шубҳасиз, кутилмаган меҳмонларнинг бу таширифи Г.Сапаеванинг қўшмачилик фаолиятига нуқта қўяди. Унинг кирдикорларидан қонун посбонлари воқиф бўлади. Бу юзадан тергов-суриштирув ишлари олиб борилиб, Г.Сапаевага уч йилга шартли равишда синов муддати тайинланади. Лекин афсуски, "ўрганган кўнгли ўртанса қўймас", деганларидек, қўшмачи хотин бу синовга бир йил ҳам бардос бера олмай, гиёҳвандликни кор қилди, олдин исловатхонага айланган уйни бангихонага ўзгартирди.

Ўз уйида танишлари Ўктам Ғаниев ва Мадридларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга шароит яратиб, бангихона ташкил қилади. Ачинарли томони шу эдики, аёл боши билан унинг ўзи ҳам "заҳри қотил"дан бебаҳар қолмас, улфатларига қўшилиб, тортиб турарди.

Уша куни Боғот тумани ИИБ ходимлари маҳалла оқсоқоллари, холис гувоҳлар иштирокида Гулноранинг уйи кўздан кечирилганида қонунга хилоф равишда героин моддасини сақлаб юргани аниқланди. Шу йилнинг апрель ойида Боғот тумани жиноят ишлар бўйича судининг биносида бўлиб ўтган суд мажлисида Г.Сапаева ҳамда унинг шайтон хуморли шерикларига нисбатан ҳукм эълон қилинди. Олдинги қилмишига берилган жазодан хулоса чиқармаган, жиноятга суяги йўқ бу аёлга беш ва унинг шерикларига тегишли жазо тайинланди.

Албатта, айбдор сўроқсиз, жиноят беиз кетмайди. Гулнора Сапаеванинг иллатларга ботиб кетган бангихона ташкил қилиш каби сўнгги қилмиши унинг кирдикорларига нуқта қўйди.

Зафар ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Боғот тумани жиноий
ишлар бўйича суди раиси,
Эрпўлат БАХТ,
журналист

Аляска



Бу ўринда юридик жавобгарлик масаласининг аҳамиятли томонлари каттадир. Аввало, юридик жавобгарлик

оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, озодликдан маҳрум бўлиш, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир

Батга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Юридик жавобгарликни

СИЗ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИНГИЗ ШУНДА НИМА ҚИЛАСИЗ?

жавобгарлик нисбатан ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган жазо чоралари асосида давлатнинг мажбурият чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (масалан, шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади. Юридик жавобгарлик қуйдаги белгилари билан характерланади:

Юридик жавобгарлик давлат мажбурият чоралари билан боғлиқ бўлади. Масалан, жиноятчиларга жазо белгилаш орқали, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликда етказилган зарарни ундириш ва қоплаш орқали давлатнинг мажбурият кучи амалга ошади.

Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий

этилган қилмиши учун жариима тўлаш ва ҳоказо.

Давлат томонидан қўлланиладиган мажбурият чоралари тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шакллarga амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юридик жавобгарликнинг тўрт тури мавжуд бўлиб, улар жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик ва интизомий-ҳуқуқий жавобгарликлардир. Буларнинг турларга ажратилиши ҳуқуқбузарликнинг объекти билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Муайян ҳуқуқбузарга нисбатан жавобгарликнинг қўлланилишидан мақсад айбдорни жазолаш ҳисобланади. Шу

So'ragan edingiz

билан бирга давлат яна бошқа бир мақсадни кўзлайди — бу мақсад келажақда ҳуқуқбузарликни содир этишнинг олдини олишга ёки бу ҳақда огоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Ўз навбатида кўзланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги тамойилларга амал қилинади: қонунийлик; адолатпарварлик; мақсадга мувофиқлик; ҳуқуқ бузилган ҳолда жавобгарликнинг муқаррарлиги; жазонинг факат ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши.

Юқорида айтганимиздек, юридик жавобгарлик масаласини тўғри ҳал қилиш жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳуқуқбузар шахс ўз қилмишига яраша жазоланса, жазо чоралари қонунда белгиланган тартибда, ундан оғишмай, ҳуқуқбузарликдан келиб чиққан оқибатлар ва шу каби бошқа ҳолатлар тўлиғича ино-

батга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Юридик жавобгарликни

белгилашда ваколатли органлар у ёки бу томонга ён босса, албатта, иккинчи тараф учун адолатсизлик қилинган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам доимо адолат тарозуси тўғри бўлиши лозим, юридик жавобгарликнинг асосий тамойилларидан бири сифатида адолатпарварлик тамойилининг қиритилгани ҳам бежиз эмас.

Адолатпарварлик, қонун устуворлиги ва юридик жавобгарлик тушунчалари бири бири билан боғлиқ учта муҳим тушунча бўлиб, уларнинг бири бўлмаса, қолганлари ҳам инқирозга юз тутиши аниқ.

Шароф МАМАТМУРДОВ



ЙОЗЕФ БЛАТТЕРНИНГ ИЛК ҚАДАМИ

ФИФАнинг 66 ёшли швейцариялик президенти Йозеф Блаттер ўз лавозимига яна тўрт йил муддатга қайта сайланган, “ушшма раҳбариятида осейиншалик ўрнатилган” ваъда берди. Президент яқинда бу борада биринчи қадамини қўйди ҳам: Сеулга йнрилган ФИФА ижрокўми уюшманинг 44 ёшли Бош котиби Мишель Зен-Руффи-неннинг истеъфоси ҳақидаги қарорини қабул қилди. Айнан у ФИФА-даги биринчи шахсга қарши порах-ўрлик ва молиявий айбловларни уюштириш ташаббускори деган хулосага келинган.

ФИФА вакили Кейт Купер билдиришича, “барчаси ҳал этилган ва Зен-Руффиенен 4 июлдан ўз лавозимидан кетишга кўнган”. ЖЧ-2002нинг ўтишида зиммасига бир қатор вазифалар юклаган Бош котиб тўрт йилда бир ўтказиладиган футбол байрами низоисига еттунича уларни бажариб туради.

ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИ 2002

МАРАДОНАНИ ХАФА ҚИЛИШАЁТИР

Аргентина футболининг “афсонавий” қахрамони Диего Марадона Япония маъмуриятидан бу мамлакатда ўтказиладиган ЖЧ-2002га боришга рухсат беришини сўради. Маълумки, бу мамлакат маъмурилари машҳур футболчи қачонлардир гиёҳванд модда истеъмол қилгани учун унинг Японияга келишига рухсат беришмаган эдилар. Яқинда Мексика телевидениясининг иккита канали Марадонадан ЖЧ-2002 учрашувларини шарҳлаб боришини сўраган. Айни пайтда у Кубада бўлиб, Жанубий Корея ва Япониядаги футбол байрамини фазовий телевидения орқали томоша қилаётир.

—Марадона Токиодагилар қарорини ўзгартиришар деган умидда-деди унинг вакилларидан бири. —ФИФА аргентиналикларнинг у ўйнаган 10 рақами бундан буён ҳеч кимга берилмаслиги ҳақидаги таклифига рад жавобини

берганди машҳур футболчи қанча хафа бўлган бўлса, Япониянинг унга нисбатан қўллаган таъқиқи Марадонанинг кўнглини шунча чўктирди.

ПАЙТ ПОЙЛАБ...

Бразилия қамоқхоналаридан қочиш учун энг қулай вақт оқшом эмас, балки мутассадилар ЖЧ-2002нинг футбол ўйинларини берилиб томоша қилаётган эрта тонг пайти бўлиб қолди. Олис Ульсанда ҳакам Бразилия—Туркия учрашуви бошланишига ҳуштак чалганидан сўнг Сан-Паулу атрофида жойлашган тергов изоляторидан 17 нафар маҳбус ерни қовлаб, қамоқдан қочиш кетган. Улар озодликка чиққач, (сурбетликни қаранг!) йўналишдаги автобусга ўтиришган. Бироқ йўловчилар орасида қуролланган полициячи ҳам бўлиб, у қочоқларнинг биттасини ушлаган, яна бирини отган. Қолган қочоқлар ваҳимага тушиб, жуфтакни ростлаб қолишган.

Кеча қолган гуруҳлардагилар ҳам ЖЧ—2002даги иккинчи ўйинларини ўтказишди:

1. «В» гуруҳи. Испания-Парагвай — 3:1, 2. «F» гуруҳи. Швеция-Нигерия — 2:1, Аргентина-Англия — 0:1.

Рукн материалларини Воҳид БОЙМУРОДОВ тайёрлади

ФРАНЦУЗЛАРНИНГ САФАРИ ҚАРИЯПТИМИ?

Халқимизда “бир обод бўлган жойнинг бир чўл бўлиши бор” деган доно нақл бор. ЖЧ-2002 футбол байрамида Франция терма жамоасининг иштироки бунга яна бир бор исботлади. Мазкур йилнинг 31 майига-ча жаҳон чемпиони бўлганларнинг илк ўйини—биринчи бор жаҳон футбол байрамида иштирок этаётган Сенегал терма жамоаси билан ўтказилган учрашувдаги мағлубиятининг сабабини тушуниш мумкин эди. Дастлаб, кўпчилик муҳлислар французлар ЖЧ-2002да махсус услубда ўйин кўрсатишмоқчи деб ўйлаган эди. Бироқ шундан сўнг тасодиф ҳам, шов-шув ҳам юз бермади. Начора, майдон текис, тўп эса думалоқ экан. Иккинчи — Уругвай терма жамоаси билан бўлган учрашувда французлар нима-ларга қодир эканлигини намойиш этишди ва ҳозир унча қучли жамоа деб эътироф этилмаган уругвайликлар дарвозасига биронта ҳам тўп кирита олишмади. Французларнинг 11 июнда Дания терма жамоаси билан бўлиб ўтадиган учинчи учрашувинатижаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўш, нима учун бундай аҳвол содир бўлди, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, вақт ўтган сайин жаҳон футбол ривожланиб бормоқда. Кечагина футболда “шогирд” ҳисобланган сенегалликлар бугун “устоз”и—Франция терма жамоасини қажатқич мағлубиятга учратди. Французларнинг инқирозини қисқача қилиб, яқинда Францияда бўлиб ўтган мамлакат президентлигига сайловларда мағлубиятга учраган Жан-Мари Ле Пеннинг қуйдаги сўзлари билан хотималаш мумкин: “Оқибат мени таажжубга солмайди. Бизнинг жамоамиз “қари” ва футболдан чарчаган ўйинчилардан ташкил топган. Шулар туфайли муваффақиятли иштирокка ишониб бўлмайди”.

Mening fikrim


Барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Эр ва хотин икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган, иккинчи бир олам — оиладир. Агар оилада тинч-тотувлик, аҳиллик, муҳаббат ҳукм сурса, бу оиладан бахтлиси йўқ. Оилада бунинг акси бўлса, оила узоқ яшолмайди ёки барбод бўлади. Бунинг жабрини эса улардан кўра болалар, яқин қариндошлари тартади. Ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари кўп ва шу билан бирга ўзига хос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Энг қадимги одатимизга кўра, ўзбек оиласи тўйдан бошланади. Икки ёш муқаддас ва дахлсиз даргоҳга қадам қўядилар. Сал ўтмай эса севги, меҳр ила қурилган даргоҳ ҳам қулайди. Хўш, бунга сабаб недур?

Икки ёшни турмуш қуришида ота-онанинг масъулияти каттадир. Кўпгина ота-оналар “тезроқ боламни орзу-ҳавасини кўрай”, “тезроқ келин туширсам, ишлар анча енгиллашарди”, “тезроқ ўғлимни уйлантирсам қутилардим” каби “баҳоналар” билан ўз фарзандларини шошилиш ривидида уйланишга кистайдилар. Қизнинг ота-онаси эса “қиз қолиб кетмасин”, “қизимдан тезроқ қутила қолай”, “қизим ўтириб қолаяпти” дея ташвишлар билан ховлиқиб турмушга бериб юборадилар. Ҳозирги кунда, бизнинг кузатишимизча, бундай ҳолатлар

ТАЛАБА ОТА-ОНАЛАР ЁКИ ФАРЗАНДЛИ ЎСМИРЛАР

анъанага айланиб бормоқда. Ўйламай-нетмай ёки шошилиш ривидида қурилган оилалар охири-оқибат нимага олиб келаяпти?

Оила фуқаролик жамиятининг, давлатнинг муҳим ҳужайраси. Ҳозирги пайтда кўпчилик ота-оналар ўғилларини 19-20 ва қизларни 16-17 ёшларда узатаётган, ёки уйлантираётганликларини кўриб ҳайрон қолмоқдамиз. Наҳотки, шу одатлар урф бўлаётган бўлса. Баъзи оилаларнинг ҳаёт йўлига назар солсак, бизда оила жуда эрта қурилади ва мустақамлана олмайди, охири-оқибат ажралади. Чет давлат ёшлари ўзларини батамом ҳар томонлама етук бўлиб, оила қуришга тайёр эканликларига ишонч ҳосил қилсаларгина турмуш қурадилар. Масалан, японлар оилани жуда муқаддас деб билишади. Ёшлар аввал ўқув даргоҳларида ўқийдилар, касб ўрганадилар ва ишлайдилар. Япон қизлари 23-30 ёш атрофида турмушга чиқар эканлар. Чунки япон ўқув даргоҳларида эрга теккан ёки уйланган талабаларни ўқишга рухсат берилмайдди. Ўзбекларда эса қиз болалар 16-20 ёшгача турмушга чиқадиладар. Ҳам келинчак, ҳам талаба қизлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқийдилар, ҳам оила ташвишларига бериладилар, тез орада ҳам фар-



зандли бўлиб, бола тарбияси билан шуғулланадилар. Энди тасаввур қилинг: янги тушган келинчак кўнглининг тубига яширган орзу-умидлар, яхши ниятлар билан ўзга хонадонга қадам қўяди. Тонг палласи ёришмай туриб кўча-ҳовлиларни супурадилар, чой тайёрлайдилар, овқат пиширадилар, уй-юмушларини бажарадилар, ўқишга борадилар, дарсларни тайёрлайдилар, янги чақалоққа қарайдилар, қайнона-қайнота, эр хизматида бўладилар. Шунинг учун ҳам халқ

орасида шундай гап бор: келинчилик-қийинчилик. Бошқа кўпгина юртларда ёшлар турмуш қургач, тўйнинг эртаси кунёқ “асал ойи”ни ўтказгани турли хил саёҳатлар қиладилар, денгиз бўйида, ўзга юртларда икки севишган тўй ташвишларидан холи дам оладилар. Уларда асосан келин эмас, балки қайнона бутун юмушни ўз зиммасига олади. Ёшлар ўйнаб кулсин, бахтли бўлсин, доим бирга бўлишсин, хурсанд юришсин, дея қайнона уй-рўзгорларини ўз бўйига олар экан.

Бизда кўпгина қайноналар келин тушираётганда қизларни пазандачиликка, тикивчиликка ёки бошқа ишларга усталигига, чаққонлигига, нимани айтса хўп деб қилишига, худди янги хизматчи сифатида оладилар. Келин фақат “қулик” учунми? Нега, ахир, қиз танлаётганда қизнинг маънавияти, юксак савияли, жисмонан бакувват, ақлан баркамол, соғлом, билимли эканлигига қараб танлайдилар? Ахир, ота-она фарзандига бир умр у билан кечирадиган умр йўлдошини танлар экан, фақат ўзи хоҳлагандек ёки ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки фарзандининг келажаги оилани мустақамлигини ўйлаган ҳолда, балки оила тушунчасига эга бўлган баркамол, етук маънавиятли қиз танлаганлари маъқул эмасми?

Масаланинг бошқа томонига ёндошсак. Ҳар бир оилада чақалоқнинг дунёга келиши қувончдир. Барча ота-онанинг ҳам чақалоқни улғайтиришда, тарбиясида ўз бурч ва масъулиятлари бордир. Маълумки, маънавий тарбия аввало оиладан, уй оstonасидан бошланади. Ҳозир назар ташласангиз, ҳам маънавий, ҳам жисмонан етилмаган 16-17 ёшли қизларимиз турмушга чиқмоқдалар. Ахир, улар ҳам келажакда она бўладилар. Қандай қилиб она бўлиш даврига етмаган

қиз соғлом, бакувват фарзанд кўра олади? Шифохоналарни қарасангиз, ёш ўзбек оналар ва болаларни кўрасиз. Бошқа миллатларни топиш амримаҳол. Демак, ҳали ёш ота-оналар оила қуришда, фарзанд кўришда ва боқишда савиялари паст. Бунинг учун биз нафақат ота-оналарни, балки ёшларни ҳам айблаймиз. Кўпгина ўғил болаларга неча ёшли қизни оласиз, деган савол билан мурожаат қилганимизда, уларнинг кўпчилиги “мактабда ўқийдиган”, “мактабни битирган”, “16-17 ёшли” қизни олишни, ўзи ҳам оила қуришдаги, фарзанд кўришдаги, жуфти ҳалолани танлашдаги масъулият ва вазифаларни билмайдилар. Бу борада, аввало ота-оналар фарзандларини оилага тайёрлаб бормоқлари даркор. Барча мактаб ва ўқув юртларида “Оила” дастури бўйича дарсликлар ўтилиши лозим. Барча ривожланган давлатларда мактаб ва ўқув даргоҳларида ёшларни оилага, янги ҳаётга тайёрлаб борилади ва бу борада етарлича тушунча берилади.

Ҳа, оила қуриш оддий иш эмас. Бунинг учун ҳар бир шахс масъул. Оила қанчалик мустақам, тинч, фаровон, бўлажак авлод эса ҳар томонлама соғлом, маънавиятли бўлса, жамиятда барқарорлик, тараққиёт вужудга келади ва бундай давлатни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Юртнинг қудрати мана шундай мустақам оилалардир.

Наргиза ОРИПОВА,
талаба

Муҳаббат бекатида навбат кутиб турувчиларнинг сони кўп. Ҳозиргина келиб-кетган "Севги" автобусига сўймай қолган Гулёр кейинги автобусни кутди. Гулёр ҳикояси: бекатда юнунгина кийинган, ҳайқираётган бу йигитнинг ҳам омади чопмаганга ўхшайди: "Айрилиқ", "А.А.Айрилиқ, ҳозир жўнайди" дейди у. Бекатдагилар юзини буриб бошқа автобусга чопадилар. Бирдан "Орзу" автобуси келиб қолди. Шошганимдан қўлимдаги сумкани ҳайдовчига бериб, уриниб-суришиб автобусга чиқдим. Ҳайдовчининг кулиши менга ёқиб қолди. Жимгина автобус ойнасига тикилиб кета-вердим. Чипта сотувчи хотин "йўл ҳақини ҳозирланглар" деб бақирди. Ҳамма ҳамён титди:

— Қани, бу ердагилар, қани йигит сиздачи?
— Қизим, қани узатворинг...
Узун бўйли чиройлигина бу қиз қимтинибгина:
— Узр, ҳозир етиб олсам ойимдан олиб бераман, - деди. Аёлнинг жазаваси тутди:
— Тўхтатинг— ҳайдовчига буйруқ берди. Ҳайдовчи автобусни шунақанги тўхтатдики, автобус ушлагичлари бўлмаганда, йўловчилар ойнадан ўқдек отилиб чиқиб кетишлари тайин эди.
— Тушинг, нарх-навони биласизми? — жавраб кетди паттачи аёл. — Тавба, одамлар ҳам қизик, пули бўлмаса, "Орзу"-дек автобусда нима қиларкин?
Кейин шитоб билан:
— Бўлинглар, тез-тез узатинглар, — дея қўлини чўзди. Қиз бечора тушишни ҳам, кетаверишни ҳам билмасди. Бирдан орқа ўриндиқда ўтирган йигит чўнтагидан пул олиб аёлга узатди:
— Ҳаммасини ола қолинг, фақат қизни тушириб юборманг.
Қизнинг юзига қизиллик югурди. Бўғиқ овозда:
— Раҳмат, қайтараман, —



ОРЗУ МАНЗИЛИ

деди.
Йигит ўрнидан туриб унга жой бўшатди:
— Келинг, ўтира қолинг, мазангиз йўққа ўхшайди.
— Ҳимм...— хўрсинди қиз.
Йигит унга узоқ тикилди. Айтарлик сочидан ўзга ҳусни йўқ, аммо ҳамма қизлардан бошқачароқ.
— Ёшингиз нечада?— сўради йигит.
— 26 да, — жавоб берди қиз.
— Шунча вақт автобус кутдингизми?!
— Иложим йўқ эди!
Йигитнинг кўзи қизнинг кўлидаги китобларга тушди.
— Қандай китоблар?
— "Охирги манзил", "Севги гуноҳи"...
— Шунчасини қандай ўқидингиз?!
— Уқимадим, ёздим...
— Қандай қилиб?
— Муҳаббат бекатида кўп туриб қолдим.
— Яхши бўлса керак.
— Бироз, яна билмадим.
Гап шу ерга келганда автобус яна қаттиқ силкиниб, тўхтаб ўтди. Ҳайдовчи "Падарингга лаънат, қора мушук" деб ўшқирди.
Сомон тикилган қанордек гавдаси билан туриб олган

паттачи аёл:
— Қани, ука тур-чи, бу сингилга жой бер. Уялмайсанми, онанг тенги хотин бўлса...
Ўриндиқда ўтирган йигит парво қилмай:
— Пулини тўлаганман, опа, — деб ўтирилиб олди.
Автобус охиридаги йигит:
— Келинг, опа жой бор, — дея чақирди.
Секин автобус кўзгусига боқиб, ҳаммани кузатаман. Кимдир 50 ёшда, кимдир 30-40 ёшда, кимдир 20-15 ёшда... "Орзу" автобуси эса йўлда давом этмоқда.
Паттачи аёл:
— Қани, бу ердагилар, етиб қолдик, тезроқ бўлинглар деб одамларни шоширди.
Мен ҳайдовчидан неча бекатдан сўнг етиш манзилимизни сўрайман.
— Нима, шошаяпсизми? Икки бекат қолди.
Аёл яна келди.
— Қани, йўл чиптангиз?— ёнимда турган қиз йўл чиптасини кўрсатди.

— Вой, ўтиб кетибди-ку. — Аёл яна бақирди.
Шошилиб унга илтимос қилади қиз:
— Туширманг, неча кундан бери энди илиндим. Атрофимга қарайман. Қани энди ёрдам берувчи бўлса... Аммо, аёл қайсарлик қилиб, уни тушириб юборди. Мен эса жим бўлиб қолдим. Бироз хаёлим бўлинди. Наҳотки "Орзу" автобусига чиқиш, манзилга етиб олиш учун катта ҳомий керак бўлса? Қиз қанчадан бери кутиб... Энди бу аҳвол...
Бирдан ҳайдовчининг:
— Сумкангизни оласизми? — деб сўраши мени хушёр торттирди.
Пастда паттачи аёл "йўл чипталарини кўрсатиб тушинглар"-деб таъкидлайди. Аста тушдим. Чунки менинг йўл чиптамнинг ҳам бироз вақти ўтганди.
— Қизим сизда... — бироз рангим бўзариб, унга йўл чиптамини узатаман.
— Майли, яхши етиб олинг, — деб қўйди.
Тез-тез юриб одамлар орасига ўзимни урдим.

Фарҳод НОДИРОВ

Ҳурматли Нейло Петроцян!
Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Келажакдаги ишларингизга улкан муваффақиятлар ёр бўлсин. Бахт сизга ҳамроҳ бўлсин
Дугонангиз Ҳидоят

ЯРАШМАГАН ОҚ ЛИБОС

У туғруқхонадан чиққан куни оқ либос кийиб, «келинчак» бўлди.

Юзгинангни қораси курсин, Дилдор, гуноҳинг бир умрга етади. Дастингдан отанг-у, оғанг куйса куйгудек бўлди... Совиган ошдеккина ўтган тўйингда узоқ ўтиролмадим, нафасим сиқди, рангпаргина юзларингдаги маънони уқмоқчи бўлиб харчанд уриндим-а... Афтингдан болангни ўйлаётган эдинг, ҳалигина туғруқхонадан олиб келган болангни, никоҳсиз бино бўлиб, хайриятки, отасини топган болангни...

Сенга, куёвга ҳам тилак айтмоқ учун қийналишди, ёру-дўстларинг. Нима ҳам дейишсин, ахир, бир йўла топиб бўлган бўлсанг "бахтинг" ни...

Агар, агар шошилмаганимда бир чиройли келин бўларкансан, эгингидеги оқ кўйлак устингга илганинг учун исноддан қарайиб эмас, оппоқ бўлиб нурланиб турар эди-я. Дарвоқе, нега кийдинг уни?! Ахир, у ҳар бир бокира қизнинг мўъжизакор орзуси, бегард, тиниқ орзуларнинг ушалмиш рамзи эди-ку, ахир?!

Безовтасан, куй-қўшиқлар кирмайди қўлогингга, боланг йиғлаётганга ўхшайди. Бир ҳафта ичида йўқ ердан бошланган тўй қайнона-қайнотанг хижолатомуз келган-кетганларга "хуш келибсан" қилишади...

"Тўй муборак, набира муборак!" — дея қутлашган бўлади, меҳмонлар. Дарвозадан узоқлашар-узоқлашмас: "Шундайларнинг касрига қолди-да, юзлари курсин" дея бош чайқашади...

Хато қилдинг, бир умрлик хато қилдинг... Чимилдиқ тутилмади сен учун, сирли, салобатли бўлиб ҳаяжондан ёниб-энтикиб ўтирмадинг, чимилдиқда. Болақайлар ҳузурингга "рўмолча" деб киришмади, балки ўз боланг ажабсиниб, чинқириб йиғлади.

Эрта тонгда "келин салом"га олиб чиқишмади, саломингизни кераги йўқ эди, ҳеч кимга. Гуноҳкор кўзларингизни ерга қадаб, ўз ҳолингга ўзинг хайрон, кўнглингизнинг кўчасига лаънат ўқимайсанми, энди?

Эҳ, ҳали ўзи гўдак бўлатуриб чақалоқли бўлиб қолган, келинчаклик бўстонида сайр этмай туриб "она" номини олган бечора синглим. Энди қандайин яшайсан, бу ўзингга боғлиқ... Сенинг аччиқ келинлик қисматинг бошқа қизнинг бошига тушмасин.

Нодира ДЎСТМАТОВА

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Чўлпон номли 37-урта мактаб томонидан Ёкубова Сайёра Тўлқуновна номига берилган №012345 рақамли 11-синфни тугатганлик ҳақидаги шоходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҚУРАТЛАТИ БИЖИҚЛАР

Кутиш... Нақадар даҳшат эканлигини ўзим кутганимдагина аниқ сездим. Айниса, кутсанг-у, аммо кимни кутаётганлигингни билмасанг, ундан-да даҳшатлироқдир.

— Кўзлар, сиз "уни" севасизми?
— Ҳа, биз фақат "унга" боқмоқчимиз.
— Кулоқлар, сиз "уни" севасизми?
— Ҳа, биз фақат "унинг" сўзларини эшитмоқчимиз.
— Киприклар сиз-чи, сиз ҳам "уни" севасизми?
— Ҳа, албатта. Биз фақат "унинг" кўксигагина қадалмоқчимиз.
— Қошлар, сизлар ҳам балким "уни" севиб қолгандирсиз?
— Йўқ, йўқ. Биз "у" билан дўстмиз, холос.

Муҳаббат ЗОХИР,
Бухоро Давлат университети талабаси

КУЛГИ

— Аббосжон, сен ҳам шеър биласанми, ана, қарагин, аканг жуда кўп шеър ёд билар экан. Айтасанми?

— Ҳа, айтаман, — деди бола ишонч билан.
— Хўш, қани.
— Шеър!

Уч ёшли Умиджонга ойиси буюрди:
— Бешикка бориб қара-чи, уканг ухляптими?

Секин оёқ учида бориб чақалоқ юзини очиб кўрган ўғил ойисига деди:
— "Тиш-ш"! Уканг ухляпти.

— Қизим, бугун боғчада қанақа шеър ўргандинг?

— Капалак, капалак ҳақида ойиҷон!
— Қани, эшитайлик-чи?
— Бошини сиз бошлаб беринг-да.

Майсара НАЗАРОВА тайёрлади

"Турмуш қураётган ёшлар тиббий кўрикдан ўтишлари керак". Бу оила қураётганларга қўйилган талаб бўлишига қарамай, аксарият ҳолларда ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишдан кўра "йўлини топиш"ни афзал кўришаётганига гувоҳ бўламиз. Таажжуб, ёшларни бу масалада ҳам "йўлини топиш"га нима мажбур қилапти?! Соғлиқларига ишонимсизликми ёки куёв (келин)нинг олдига уялиб қолишдан қўрқаяптиларми? Балки вақтларини қизганаётгандирлар? Эҳтимол "қоғозбозлик" дея қўл силтаётгандирлар? Хуллас, бу каби саволлар бисёр...

Токи ўқитувчимиз айнан шу мавзудан сўз очмагунларича мен асосий сабаб ўзбекона андишада, деб билардим. Чунки, тиббий кўрикдан йигит билан қиз унаштирилгандан сўнг ўтишади. Мабоодо, бу жараёнда уларнинг биридан жиддий хасталик чиқиб қолса, нима бўлади, тўй тўхтатиладими?! Масаланинг айнан мана шу нозик томони сабабли ҳам ёшлар тиббий кўрикдан ўтишни унчалик ишташмайди, деб ўйлардим. Унинг салбий оқибатларга олиб келишини тасаввур

«НАРКОМАН» КЕЛИН ЁКИ «ЙЎЛИНИ ТОПИШ»НИНГ ЗИЁНИ

ҳам қилолмасдим.

"Маҳалламизга келин тушди. Иккала оила ҳам ўзига тўқ, бир-бирига жуда муносиб эди. Кўпчиликнинг уларга ҳаваси ҳам келди, — тиббиётдан дарс берадиган устозимизнинг ҳикоясини жон қулоғимиз билан тинглардик. — Янги келин, табиийки, ҳамманинг эътиборида бўлади. Шу туфайли унинг ҳар куни бир вақтда 11 дан 12 гача қаергадир бориб келиши ҳам қўшнларнинг синчков нигоҳидан четда қолмади. Бу вақтда қайнота-қайнона ва куёв ишда, қайнсингил эса ўқишда бўларди. Чиллалик келин қаерга бориши мумкин? Бунинг устига бегона машинада!!! Қўшнлар сабабини суриштираётгандек бўлиб, қайнонани хабардор қилишди. Қайнона ишонқирамай кузатишга қарор қилди...

...Ўша куни қайнона ишга бормади. Келин сабабини бир сўраб қўйди-ю, бу ҳақда бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмади. Соат 11 бўлса-да, келин бамайлихотир юрарди, 12 да ҳам қайнонанинг ат-

рофида парвона эди. Лекин соат бирга яқинлашганда келин ўзгарди. Ғужанак бўлиб ётиб олди, ранги ўчиб, қалтироқ тута бошлади. Охири қайнонасига телефон рақамларини айтиб: "Шу жойга кўнғироқ қилинг, доримни олиб келишини!" — деди. Қайнона ўша заҳоти аввал келиннинг ота-онасига, кейин айтилган рақамдаги "нажоткор"ларга кўнғироқ қилиб тезда етиб келишларини сўради. Келин "укол" олгач, ўзига келди.

Буни қарангки, келиннинг отаси қизининг "дори"га ўрганганлигидан хабардор бўлса-да, турмушга чиқса ташлаб кетар, деган умидда узатган экан. Шу воқеадан сўнг, табиийки, ота қудасидан узр сўраб, қизини олиб кетди. Келиннинг тушганига эндигина саккиз кун бўлган эди...

Бу тиббий кўрикдан ўтмай қирилган бир оиланинг қисмати, "топагон" куёвнинг тақдири...

Қизик, қизининг гиёҳвандлигидан хабар топган она қай аҳволга тушдими-кин?! Куёв ва қайнота иш-

дан қайтгач, қайнона ўзи эшиқма-эшик юриб, сўраб-суриштириб, танлаб-танлаб топган келинининг

"хунар"ини уларга қандай етказди экан?!

Устозимизнинг ушбу ҳикояси бизнинг ўртаимизда кескин мунозара уйғотди. Кимдир келиннинг "хунар"ини таърифлашга тил ожиздеса, яна кимдир бош айбдор деб отани топди. Қизининг тарбияси учун аввало она масъул эканлиги ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Лекин... нечундир бу нохуш ҳодисага икки ёшнинг тиббий кўрикдан ўтмагани сабаб бўлганини мунозара чоғида унутайибмиз...

Азиз тенгдошим! Бу воқеа барчамизга сабоқ бўлиши, бизни атрофимиздаги кишиларга эътибор билан қарашга, оила қураётганда хушёр бўлишга даъват этиши керак. Ҳеч бир баҳонани рўқач қилмай, керак бўлса, андишани ҳам бироз четлаб, тиббий кўрикдан ўтиш ўзимиз учун фойдаладир. Зеро, шунда қуриладиган оиламизга ҳали қурилмай туриб ёлғон, фириб аралашишига йўл қўймаган бўламиз...

Феруза КУВОНОВА

ЎШАНДА БИР ҚИЗНИ



SAN'AT OLAMI



Ёдингизда бўлса, газетанинг ўтган сонларининг бирида Ҳамроқуловлар сулоласининг вакили — Искандар Ҳамроқулов билан суҳбатни сизга тортиқ этган эдик. Бугун эса шу оиланинг яна бир вакили — мусиқа оламида ўз овозига эга бўлган истеъдодли ёш хонанда Самандар Ҳамроқулов билан бўлиб ўтган суҳбатни сизга ҳавола этмоқчимиз.



— Санъаткор бўлишингизни туғма истеъдод натижаси, деб баҳоласа бўладими?

— Санъаткор бўлишимга, аввало, мен улғайган муҳит сабаб, деб ҳисоблайман. Чунки оиламиз санъаткорлар оиласи бўлганлиги учун болалигимдан оқ санъатга меҳр-муҳаббат ўзгача эди. Ёшлигимда катта бўлсам санъаткор бўламан дер эдим. Мана йиллар ўтиб, орзуларим рўёбга чиқди. Лекин ўша вақтларда бирор сабаб бўлиб санъат соҳасини тан-

— Клип қилинган кўшиқларингиз тезда тилга тушади. Бунга ўзингиз қандай фикр билдирасиз?

— Ҳамма кўшиқларим ўзимга ёқади, тўғрироғи, кўшиқ кўнгилдан чиқмас, ўзинга ёқмас, тингловчига ёқарми? Энг яхши кўшиқларим кўнгил мулким. Уларгагина клип ишлаганимиз. Шу боис бошқаларга ҳам маъқул бўлса керак.

— “Сайранг, булбулим”, “Алвидо” номли кўшиқларингизни кўпчилик севиб тинглашди. Кўшиқларнинг бири шўх, бири маҳзун. Уларнинг яратилиши ҳақида тўхталсангиз.

— “Сайранг, булбулим”, айтганингиздек шўх, ҳазил кўшиқ. Уни “Гап йўқ” кўрсатуви билан ҳамкорликда яратганмиз. Шундай кўшиққа клип жуда мос тушган, назаримда. Умуман, “Гап йўқ”чилар билан ҳамкорлик самараси чакки бўлмади. “Алвидо”нинг эса яратилиш

тарихи бор. Яқин дугонанинг ҳаётида кўнгилсиз воқеа бўлган, яъни севгани бевафолик қилди. Дугонанинг чеккан изтироби мени ҳам безътибор қолдирмади. Шеър (“Алвидо айтиб”) дугонанинг аламу-изтиробларига, туйғуларига ҳамда менинг ички кечинмаларимга жуда

СЕВИБ ҚОЛГАНДИМ

лай олмасам, учувчи бўламан деб ният қилар эдим.

Афсуски, учувчи бўлиш менга насиб этмаган экан.

— Илк бор катта сахнага чиққан кунингизни эсласизми?

— 1999 йили “Кимга қанақа?” шоусида “Самар бўлмай” ва “Барчиной” деб номланган кўшиқларим билан иштирок этганман. Шу кун ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. “Самар бўлмай” композицияси кўпчилик кўшиқ мухлисларига манзур бўлганди. Бу кўшиқнинг шеърини 8-синфда ўқиётган вақтимда ўқиган эдим. Бу Эркин Воҳидовнинг “Самар бўлмай” газалига Муслимбек Йўлдошев томонидан ёзилган муҳаммасдир. Куйини эса ўзим басталаганман. Тўғриси, ўша пайтда бир қизни севиб қолгандим. Шу биринчи кўшиғим биринчи муҳаббатимга бағишланган.

— Эшитишимизча, каратэ билан ҳам шуғулланар экансиз...

— Спортнинг каратэ тури билан саккиз йилдан буён шуғулланаман. 1995 йилда Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Устозларим — Каратэ миллий федерация Президентини Нурхон Нафасов, Хўжамқул Хўжақулов ва Шўхрат Юнусовлардан ҳалигача каратэ сирларини ўрганаётиман. Ажаб эмас, на-

бўлиб қоламан. Сув бўйида ёлғиз бўлишни кўмсайман.

— Фарзандларингизнинг хонанда бўлишини истайсизми?

— Уч ёшли ўғлим Ҳамидуллода, назаримда, санъатга интилиш, қизиқиш бор. Куй, кўшиқни берилиб тинглайди. Кўшиқчиликнинг машак-

ватдаги мусобақаларда иштирок этсам.

— “Чаёнгул” фильмида дебют ролингизни ижро этгансиз. Ижод жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?

— Собир Назармуҳамедов суратга олган бу фильм актёрлик фаолиятимдаги илк ролим бўлганлиги учун ҳам бироз қийналдим. Фильм сўнггида қаҳрамонимнинг севган қизи — Асал ўзини осиб кўйиши сахнасида кўзимга ёш келмаган. Шунда актрисанинг қиёфасида кўз олдимга севган кишимни келтириб йиғлаш сахнасида суратга тушганман.

— Ўқинган илк альбомингизни чиқарибсиз. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Альбомим 12 та кўшиқдан иборат бўлиб, ундаги 8 та кўшиқни ўзим, 4 та кўшиқни эса дўстим — ёш хонанда Муҳиддин Ҳикматов ижро этган. Шунинг учун ҳам альбом номини “Самандар ва Муҳиддин” дея номладик. Келгусида иккинчи альбомимни фақат дуэт шаклида ижро этилган кўшиқлардан тузиб унинг номини “Самандар ва унинг дўстлари” деб номламоқчиман. Қолаверса, вилоятлар бўйлаб гастроль сафарига чиқишни режалаштириб қўйганман.

Муҳлиса МУҲИДДИНОВА
суҳбатлашди



«УЧИБ КЕТДИ СҮЙГАНЛАРИНГИЗ»

Хонанда Умида Мирхамидова билан суҳбат

мос, ҳамоҳанг, сирдош эди. Ана шу сирдошлик, ҳамнафаслик ила кўшиқ дунёга келган.

— Киши кўшиқ тинглаб дам олади, лекин хонанда кўшиқ айтиб чарчаши аниқ. Сиз чарчаган кезларингизда қандай ҳордик чиқарасиз?

— Сув бўйига бориб қирғоқдаги дарахтлар соясида дам олишни ҳуш кўраман. Сувнинг шилдираши чарчоғимни олади. Чарчасам уйчан, камгап

қати кўп. Чидаса, майли, кўшиқчи бўлсин.

— Умидаҳон, севган санъаткорларингиз ким?

— Мен Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова ҳамда таниқли актриса ва санъаткор Зулайхо Бойхоноваларнинг санъатига тан бераман. Улардек юракларни кўшиқ ила сеҳрласам, дейман.

— Ҳаётингиздаги энг қувончли кунингиз?

— Ҳаётимда қувонч-

ли кунлар, лаҳзалар кўп бўлган. Лекин энг бахтиёр куним 2001 йил 31 март куни “Халқлар дўстлиги” саройида биринчи бор томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинган каттақон концертимдир. Ўша кун тингловчиларнинг чинакам олқиши, шодлиги ва кўшиқларимга интиқлигини ҳис этганман. Менга халқнинг ишончидан ортиқ бахтнинг ўзи йўқ.

«Turkiston» муҳбири
Эркин САИДОВ
суҳбатлашди

САНЪАТКОРНИНГ БАХТИ ВА БАХТСИЗЛИГИ

Ўзбек Миллий Академик театри артисти Зухраҳон Ашурова яратган образлари томошабинлар қалбидан жой эгаллагани учун ҳам уни гоҳ “Хонзодабегим”, гоҳида “Раъно”, гоҳ “Нигора”, гоҳида “Лайли” деб қақришади-ган бўлишди. Зухра Ашурова “Меҳробдан чаён” спектаклидаги Раъно образи учун “Наврўз-94” кўрик-танловининг “Энг яхши аёл образи” мукофотини олишга сазовор бўлганди. 1999-йилда “Ҳаётдан тўйган тун” спектаклидаги Баян образи Зухраҳонга топширилди. Санъаткор томонидан маромига етказиб ижро этилгани боис “Йилнинг энг яхши актрисаси” номинациясига сазовор бўлди.

— Саҳнада энг биринчи ижро этган ролингизни эслай оласизми?

— Ҳа, албатта. Энг биринчи ўйнаган ролим бу “Зебуннисо” спектаклидаги канизак роли эди. Сўнг ҳинд қизи Наргисни ўйнадим. Ундан кейин эса “Қутлуг қон”да Унсин, “Армон”да Лаура, “Ревизор”да Мария Антоновна, “Етти фарёд”да Жулия, “Кундузсиз кечалар”да Солиҳа, “Пири коинот”да Фирдавс ва бошқа бир неча ролларим саҳна юзини кўрган.

— Санъаткор саҳнани безайди ёки саҳна санъаткорини?

— Саҳна жуда муқаддас жой, унинг ўзига яраша кучи, сеҳри бор. Бирор жойи оғриб турган санъаткор ҳам касаллигини унутди. Шу билан бирга саҳнадаги безаклар, ёриткичлар, мусиқалар санъаткорга ёрдам беради, унга хизмат қилади. Мана шуларнинг барчаси уйғунлашгандагина санъаткор саҳнани безайди. Шундай санъаткорлар бўлганки, қуруқ саҳнада туриб сўз орқали томошабинни лол қолдирганлар. Биз уларни буюк санъаткорлар, деймиз.

— Ҳар бир ролингиз ўзига яраша пардози ва либоси бўлади. Агар сизга шу нарсалар ёқмаса, уларни ўзгартирасизми?

— Ҳар бир роль учун юз пардозини ўзим қиламан, албатта. Либосга келсак, авваллари имконият йўқ эди, ҳозир эса ўзгартириш қиритишга имкониятимиз бор.

— Видеофильмларда таърихий шахсларнинг сиймо-

ларини гавдалантириш қийин кечганми?

— Осон ишнинг ўзи йўқ бу дунёда. Айниқса, санъат соҳасида актёрдан ҳам истеъдод, ҳам катта меҳнат талаб қилинади.



“Бобур” видеофильмида Хонзодабегимни, “Лайли ва Мажнун” видеофильмида Лайли образларини яратишим катта мактаб бўлди, десам муболаға эмас. Чунки ажодларини сиймоларини жонлантириш бу ўша даврга қайтиш билан баробар. Ўзимни худди ўшалар билан бирга яшагандек ҳис қилганман.

— Сиз билан ойнан жаҳон орқали “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатувида тез-тез учрашиб турамыз. Айтинг-чи, бугунги ўзбек аёлининг бир хилдаги турмуш таъшишларини, ундаги муаммо ва қийинчиликларини ижро этиш актёрни бир қолига тушириб қўймайдими?

— Тўғриси айтсам, санъат соҳасидаги айрим кишилардан ҳам шундай танқидий фикрларни эшитганман. Лекин бу кўрсатувда ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларни бўямасдан, ундаги иқир-чиқирларига айнан кўрсатилиши мени ўзига тортади. Ҳақиқий санъаткор ўзини ҳар хил жабҳаларда синаб кўриши лозим.

— Санъаткор аёлининг бахти нимада?

— Аёл санъаткорлар учун асосийси оила бутунлигидир. Менинг бахтим оилам. Мафтуна ва Муслима деган қизларим менинг келажагимдир. Турмуш ўртоғим Қаҳрамон Ашуров эса оиламиз устун. Мен севиқли ёр, меҳрибон она эканлигимдан ўзимни жуда-жуда бахтиёр ҳис қиламан.

Наргиза ОКИЛОВА
суҳбатлашди

“Милорд” маъсулияти чекланган жамияти номига берилган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тош.вил. Ўрта Чирчиқ туман Тўйтепа шаҳардаги О.Файзиёв номи 26-ўрта мактаб томонидан Дадаматов Исроил Илхомович номига 1996 йил № VZA 086856 рақамли берилган аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 48-ўрта мактаб томонидан Гейдарова Савина Закировна номига 1997 йил № 011134 рақамли берилган аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Нодирабегим номи 265-ўрта мактаб томонидан Джумаев Ғайрат Шермухаммедович номига 1997 йи О'Р-Д 013790 рақамли берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

НИЧНОЧА

Болимда бир дарахт, ўсарди хомуш,
Баҳор келиб, келди совуқ қиш.
Бултур гулламади авжи баҳорда,
Мунғайиб ўтиди, лайли-наҳорда.
Қарасам, бўлардинг йиғлаётгандек,
Худди оғиз қалбимни тиглаётгандек.
Яна баҳор келди ўтиб ой ва тун.
Нихоят гулларинг ўша кунлари,
Чироқдек ярқираб кечқурунлари.
Шунда мен номингни “нишона” қўйдим,
Оптоқ гулларингни ҳуб ҳидлаб тўйдим.

МИЧ-МИЧЛАР

Юракдаги изтиробларни,
Айтмасдан қийналади дил.
Хатто икки қалин дўстларни,
Ўртасидан ўтмаганди қил.
Дўстлик аста йўқолиб борар,
Аччиқ ҳаёт қисматлари деб.
Бир-бирини танимай қолар,
Арзигаган миш-мишларни деб.

Ирода ЙЎЛЧИБОВЕВА

«Turkiston» qaldirg'ochlari



Дил дафтарим, тўлдириб сиёҳ,
Кўзим тушиди нафис гунчага.
Ҳаёлларим кетиб узоққа,
Ўтирарман термулиб унга.
Гул баргида ўйнайди шабнам,
Атрофидан оқар шалола.
Яшил барги тебраниб аста,
Гўзалигин қилар ҳавола.
Ўзаман, деб қўлим чўзган чоғ,

Тиканлари ўқталди ногоҳ.
Назар ташлаб кўз ёшларига,
Бошим эгиб ҳидладим аста.
Бу гулни мен ёқтириб қолдим,
Энди ўзим қиларман катта,
Баҳор келиб яна очилса,
Гунчасидан берар албатта.

Умидаҳон ЙЎЛЧИБОВЕВА

ХАТО ҚИЛИШ ҲУҚУҚИМИЗ БОР

Шоир Фахриёр билан суҳбат



—“Хуррият” газетасида сиз билан боғлиқ бир ханго-мани ўқиган эдик. Оммавий ахборот воситаларида асл исмингиз ва тахаллусингиз билан чиқишингиз, ҳатто “жанжал”га ҳам сабаб бўлган экан. Айтинг-чи, нима учун айнан “Фахриёр” та-халлусини танлагансиз? Бу сўз нимани англатади?

—Мактабда ўқиб юрган кезларимда Бахтиёр исми бир синфдош дўстим бор эди, шеърлар машқ қилиб юрарди. Ҳозир ҳам, мутахассислиги математик бўлишига қарамадан, шеър ёзишни тўхтатгани йўқ. Яхши шоир, республика матбуотида шеърлари чиқиб туради. Ўша дўстимнинг исмига уйқаш бўлсин, деб шу тахаллусни танлаган бўлсам керак.

—Илк ва охириги шеърларингиз ўртасидаги тафовутни айтиб бера оласизми?

—Илк машқлар энди та-тапо қилаётган болакай-нинг қўрқа-писа отаётган одимларига ўхшайди. Бир вақт ўзимиз ҳам бола бўлганимиз эсимиздан чиқиб, энди юришни ўрганаётган болакайни кўрсак, қўлиб қўямиз. Шеър ҳам худди шундай. Албатта, вақт ўти-ши билан тажриба ортиши хисобига сифат ўзгариши та-биий. Мен илк машқларимдан қоникмаганим учун ҳам-масини ёқиб ташлаганман. Лекин улар барибир кейин-ги шеърларга тажриба нуқ-таи назаридан пойдевор бўлиб хизмат қилгани шуб-ҳасиз. Бундан ташқари, ўша болакай дастлаб деоврга ёки бошқа бир нарсга суяниб қад ростлаганидай, тақлид-лар, устоз шоирларга эрга-шишлар ҳам бўлган. Бунини “Аёлгу” тўпламидаги айрим машқларда ҳам кўриш мум-кин. Йўл бошидаги тақид ҳар бир истеъдод учун та-биий ҳол. Ҳамма гап устоз шоирларнинг таъсиридан имкон қадар тезроқ чиқиб кета натижада, яъни ижод нуқтаи назаридан уларнинг шеърларини инкор қила би-лишда. Мен учун бу жуда қийин кечган.

—Мунаққид Аҳмад Аъзам айтганидек: “Шеърларингиз кўнгил хуши учун роҳат қилиб ўқийдиган эмас”. Оддий ки-тобхон тушунишни қийин бўлган сўзлар кўп учрайди. Ифода услубингизда ҳам ян-гиликка интилиш бор ва бун-га бир мунча эришилган. Ўзингизга маълум, ҳамма за-монларда ҳам омма янгилик-ни осонгина қабул қилиб қўя қолмаган. Шу маънода, сиз-ни ҳам инкор этганлар учра-ган бўлиши табиий. Шундай пайтларда танлаган йўлингиз-дан афсус чекканмисиз? Ёки қайтиб ёзмасликка қарор қил-ган пайтларингиз бўлганми?

—Албатта, айтмоқчи бўлган гапингизни ҳаммага бирдай маъқул қилиб бўлмайди. Танқидлар, ин-корлар бўлиши табиий. Ле-кин, энг муҳими, шеър одамларни бефарқ қолдир-маса бўлди. Ижодий прин-цип нуқтаи назаридан мен учун бошқалар фикрининг аҳамияти йўқ. Ҳеч қачон ўз олдimgа ҳаммабop шеър ёзишни мақсад қилиб қўймаганман. Чунки шеър-ни муҳлис эмас, муҳлисни шеър ёки бошқа ҳақиқий адабий асар яратди. Бозор иқтисодиётининг “талаб ва таклиф” принципи адабиёт-да тескари, яъни “таклифга яраша талаб” тарзида амал қилади. Шеърларимга кел-сак, мен уларни ўзим учун ёзаман. Мен учун муҳими ёзиш, кимнингдир уни ўқиш-ўқимаслиги эса ик-кинчи даражали. У ҳолда нега шеърларингизни чоп эттирасиз, деган савол ту-ғилиши мумкин. Ўқувчига таклиф қилиб кўрайлик-чи, талаб қиладими, йўқми? Эҳтиёжи бўлмаса, ўқимай-ди. Муҳими, ўқувчига тан-лаш имконини яратиб бе-риш.

—Шеърларингизни ютуқ ва камчиликларни тўғрисида нима дея оласиз?

—Мен уларни ҳеч қачон бекаму кўст ёзганман, деб даъво қилмаганман ва бил-асизми, менимча, шоир му-камалликка камроқ интил-гани маъқул. Чунки бундай интилиш одамнинг имкони-ятларини чеклаб қўяди. Ян-гилик излаётган одам мукам-ал ёза олмайди. Ҳар қандай инқироз мукамалликдан бошланади. Ҳаётда бунга ми-соллар жуда кўп. Айрим шо-ирларнинг шеърлари ўзлари-дан олдин ўлиб бораётгани-нинг бир сабаби шу эмасми-кин? Чунки улар ёмон ёзиб қўйишдан, хато қилишдан қўрқадилар. Яхшиямки, ҳаёт бизга хато қилиш ҳуқуқини берган. Шу ҳуқуқдан фойда-ланиб, бемалол янгиликка қўл уравериш мумкин.

—Ўз китобхонларингизни қандай тасаввур қиласиз?

—Мен ўзимни шоир ҳисобламаганимдай, китоб-хоним борлигига ҳам ишон-майман.

—У ҳолда нега шеър ёза-сиз?

—Ҳар бир кишининг та-биатида ҳам ўзига яраша қусурлари бўлади-ку.

—Аксарият шоирлар гўзаллик, муҳаббат изтиро-би ва қувончи, соғинч ҳамда яна шунга ўхшаш ҳисларни ўзлари учун илҳом манбан-деб билишади ва бу улар-нинг шеърларида ҳам акс этади. Менга сизнинг шеър-ларингиз каби дардингиз ҳам бошқачароқдек туюлади.

—Одам олтимш йил умр кўриб, фақат муҳаббат ёки ҳасад тўғрисида ёзиши кул-гили ҳол. Ҳаёт сиз санаб ўтган туйғулардангина ибор-ат эмас. У ўта мураккаб ва ижодкор бош қотириши, ўз асарларида акс эттириши керак бўлган муаммолар сон мингта. Одам қанчалик те-рангликка (мукамалликка эмас!) интилса, шунчалик юз очиб бораверади. Битта мисол келтиришим мумкин.

“Минг бир кеча”да хотини-нинг хиёнат қилганини бил-ган подшо уни ўлдириш би-лан қаноатланмасдан, ала-мини бошқа беғуноҳ киши-ларни ўлдиришдан ола бош-лайди. Шаҳризода эса уни бундай жиноятдан эртаси ай-тиб қайтаради. Хотинининг гуноҳини бошқаларнинг қони билан ювмоқчи бўлган шохнинг руҳияти шу қадар чуқур тасвирлангани одам-ни ҳайратга солади. Ёки яна бир воқеа. Бунини Германия-да хизмат сафарига бўлга-нимда бир журналист дўстим гапириб берган эди. У собиқ Югославияга фуқа-ролар уруши ҳақида мақола ёзиш учун борганида бир снайперга ҳамроҳлик қила-ди. Улар йўл четидаги би-нонинг томида йўлни куза-тиб туришганида икки киши ўтиб қолади. Снайпер, улар-нинг қайси бирини отай, деб журналистдан сўрагани-да, у қон тўкишининг нима кераги бор, деб хафа бўла-ди. Ҳалиги кишилар йигир-ма қадам юрар-юрмас бош-қа бир снайпер иккаласини ҳам ер тишлатади. Шунда снайпер журналистга, агар сиз раҳмдиллик қилмаган-ингизда, мен улардан би-рортасининг оёғидан отган, иккинчиси эса қутулиб қол-ган бўларди, дейди. Албат-та, бу ерда снайперни оқлаш қийин, аммо ҳаёт ҳақиқати баъзан бизнинг кўникмала-римиздан, биз ўрганиб қол-ган ахлоқ меъёрларидан му-раккаброқдир. Ҳаёт баъзан яхши билан ёмон нарсани эмас, катта ва кичик ёвуз-ликлардан бирини танлаш-га ҳам мажбур қилади. Ма-салани адабиётда бу тарзда қўйиш учун ижодкорга илҳ-омнинг ўзигина кифоя қил-маса керак. Илҳомнинг аниқ формуласини билмайман-у, аммо у тўғрисида бир ақидам бор: инсон ўлимни қабул қилишга ҳаммиша тай-ёр тургани каби, илҳомни қабул қилишга ҳам тайёр туриши керак.

—Шоир одам учун масъ-ул лавозимда ишлаш осон эмас, деб ўйлайман. Чунки у бошқалардан кўра кўпроқ эркинлик истайди. Вазифа-нинг ижодингизга халал бер-майдики? Яъни, ўзингиз айт-ганидек: “Ҳамиша илҳомни қабул қилишга тайёр туриш” учун имкониятларингизни чеклаб қўймайдими?

—Иш билан ижод бир-бирига халал бермайди. Тўғри, баъзан ёзгингиз кел-ган пайтда бошқа бирор иш чиқиб қолиши мумкин. Ле-кин чақнаган оний фикрни миянинг бир четида асраб қўйиб, кейинроқ қозғога ту-ширса ҳам бўлади. Киши истаса, ҳамма нарсга им-кон топилади.

—Фикр асраб қўйилгани билан, инсон ўзида ўша фикр туғилган пайтдаги ҳолатни ярата олмаслиги мумкин-ку?

—Бу ҳолат менда сал бошқачароқ кечади. Ёзиш учун, аввало, калаванинг учини топиб олиш керак. Қолганини қора меҳнат би-лан ниҳоясига етказса бўла-ди.

—Бу ҳолатингиз прозага хосдек, назаримда?

—Мен адабиётни, уму-

ман, ижодни жанрларга бўлишга қаршиман. Проза ҳам, поэзия ҳам бирдай қора меҳнатни талаб қилади. Ҳа-то математик кашф қилган формула ёки Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий системаси ҳам мен учун энг гўзал шеърдир. Энди одатий қолипларда фикрлайдиган бўлсак, адабиётнинг бўй-бастини проза белгилаши керак. Проза деганда мен аниқ фикрлашни назарда тутяпман. Бизнинг адабиёт-да, афсуски, тусмоллаб фикр-лаш устунлик қилади. Баъ-зи бир шоирлар, ўша, сиз назарда тутаетган ҳолатда мияга нима келса, шунини ёза-ман, деб қофиянинг кети-дан қувиб юришади, қофия, анъанавий ифода усуллари аллақачон инқирозга учра-гани ҳақида эса ҳеч ким бош қотирмайди. Аслида, ҳозир-ги шеър тажрибалар ўша инқироздан чиқиш учун ах-тарилаётган йўлдир. Модерн шеърят деяётганимиз ана шу вазифани бажарётган бўлса ажаб эмас.

—Дарвоқе, модернизмдан гап очдингиз. Адабиётни тур-ли оқимларга бўлиниб шакл-ланишига қандай қарайсиз?

—Аслида, модерн йўл, анъанавий йўл деган та-снифлаш унчалик тўғри эмас. Яхши шеър ҳаммиша ҳам мо-дерн, ҳам анъанавий бўла-ди. Энди бевосита саволин-гизга келсак, менежментда муаммони визуаллаш, яъни унинг миқёсини аниқ кўз олдида келтириш деган қоида бор. Мавжуд муаммо-ни ҳал этиш, инқироздан чиқиш учун у асли нима эканини белгилаб олиш за-рур. Бизнинг шеърятта оид қарашларимиз “анъанавий” ва “модерн” сўзлари билан тугайди. Турли оқимлар таъ-сирида ижод қилаётган шо-ирлар бор. Лекин уларнинг қайси оқимга мансублиги-ни ўзлари ҳам билишмаса керак. Адабий танқиднинг адабиётдан ортда қолаётга-ни унинг ривожига салбий таъсир қилаётгандай туюла-ди. Адабий танқид ўша му-аммоларни визуаллашга ёр-дам бериши керак. Шунда турли оқимларнинг шаклла-ниши тезлашармиди...

—Бугунги ёшлар ижоди-дан кўнгилнинг тўладими?

—Мени уларнинг тин-май изланаётгани ҳамда ян-гидан-янги шакллар ва ифо-да усуллари топаётгани қувонтиради.

—Ўз тажрибангиздан ке-либ чиқиб, уларга қандай ки-тобларни ўқишни ва яхши-роқ ёзиш учун нималар қилишни маслаҳат берган бўлардингиз?

—Истеъдодлилар нима ўқиш ва нима ёзиш керак-лигини, ўз йўлини ўзлари топиб олади. Биз уларни маълум ақидаларга бўйсун-диришга ҳаракат қилмагани-миз, турли хил маслаҳатлар билан бўлмаганимиз маъқул. Келинг, уларга ҳам экспе-риментлар қилиш, хато қилиш ҳуқуқини берайлик. Ижодкорнинг эркинлигини айнан шу ҳуқуқ таъминлаб беришига ишонаман.

Ойдин ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди

ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА
(10.06-17.06)

КҮЙ. Қариндошларингиз ва танишларин-гиз майда гаплари билан сизнинг жонингизга тегиши мумкин. Саёҳат ва учрашувлардан вақтинча воз кеч-ганингиз маъқул. Бу ҳафта ҳеч ким-га ваъда берманг, акс ҳолда ваъ-дангиз устидан чиқолмай, ноқулай аҳволга тушиб қоласиз.

БУЗОҚ. Бу ҳафта пулдан сал қийналиб қолишингиз эҳтимоли бор. Шунинг учун сахийлик қилавермай, пулингиз-ни ўйлаб сарфланг. Ҳафта давомида ўзингизни қанчалик осойишта ва бо-сиқ тутсангиз, ҳар хил ғийбатлар олдини ола-сиз.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафта жуда эҳтиёт бўлинг, атрофингиздагиларга эъти-бор билан муомала қилинг. Ўз эҳти-росларингиз ва хоҳишларингизни жи-ловлашга ҳаракат қилинг. Кўпгина таклифлар сизни довдиратиб қўйиши мум-кин, лекин шошиб қолманг, бўлмаса бу қопқ-ондан чиқиб кетолмайсиз.

ҚИСҚИЧАҚА. Ҳар хил ғийбатлар ва миш-мишлардан узоқроқ юрганингиз маъ-қул. Яхшиси, қийналганларга ёрдам беринг, ожизларга кўмаклашиб, одамлар олқишини олинг. Амалга ошмайдиган орзуларингиздан воз кечи-б, хаё-лпарастликни йиғиштирганингиз маъқул.

АРСЛОН. Бу ҳафта ҳамма режалаштирган ишларингизни четга қўйиб турганин-гиз маъқул. Ўзингизга қаттиқ ишон-ганингиз сизга қимматга тушиши мум-кин. Режаларингиз амалга ошадими-йўқми, олдин яхшилаб ўйлаб, кейин ҳаракат қилинг. Бўлмаса ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқасиз.

ПАЗИЗОД. Узоққа чўзиладиган режа-ларингизни амалга оширмай турунг. Ҳар хил ваъдаларга ишонманг, кейин пу-шаймон бўлиб қоласиз. Спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилманг.

ТАРОЗИ. Ўз ишингизга сидқидилдан ёндашсангиз, йиғилиб қолган муам-моларни бошқа йўл билан ҳал қил-сангизгина муваффақият сизга ёр бўлади. Хужжатларга тааллуқли қарорларни шошмасдан қабул қилинг. Акс ҳолда хужжатлардаги чалқашликлар кейин-чалик сизни қийнаб қўйиши мумкин.

ЧАЁН. Ҳафта давомида берилиб ишласан-гизгина ишларингиз юришиши мум-кин. Лекин худбинлигингиз ва ўзбо-шимчалигингиз душманларингиз ва сизга ҳасад қилувчиларга қўл кели-ши мумкин.

ЎКОТАР. Оилавий муносабатларингиз сиз-дан сабр-тоқат ва ақл-фаросат та-лаб қилади. Уйламай қилган хатоин-гиз ҳатто бир йилдан кейин ҳам юза-га чиқиши мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Бошлигингизга бўлган му-носабатингизни иложи борица яхши-лайверинг, бу келажагингизга катта таъсир кўрсатади. Бу ҳафта иш жой-ингизни ўзгартирманг, барибир кўнглингизга ёққан ишингизни тополмайсиз.

КОВҒА. Фарзандларингиз, ижодингиз, му-ҳаббатингизга эътиборлироқ бўлинг. Одамларга яхшилик қилсангиз, улар-дан ҳам яхшилик қайтади. Қилган ха-толларингиз пушаймони жудаям аччиқ бўлади.

БАЛИҚ. Эътиборингизни кўпроқ оилангиз-га, уйингизга ва ота-онангизга қара-тинг. Ана шу пойдеворларингиз бўлмаса, ожизланиб қоласиз. Эсин-гизда бўлсин, агар бу ҳафтани кўнгилдагидек ўтказсангиз, келажақда ҳаётин-гиз осойишта ўтади.

Низомий номидаги Тош-кент Давлат Педагогика ин-ституты томонидан Каржанбо-ева Замира Анарбаевна но-мига 1991 йил ФВ №985663 рақамли берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	Тошкент вилояти Куйи-чирчиқ туманидаги 56-ўрта мактаб томонидан Ерғашев Нурулла Хайруллаевич но-мига 1993 йил АУ №284804 рақамли берилган аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Утеранный гос.ордер № 0502/10694 от 1982 г. Пра-ва собственности Расулова Абдурашид Фаттаховича на квартиру считать не действительным.	Хусусий тадбиркор Мухаммедов Шокиржон номига берилган дума-лоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилина-ди.
Утеранный патент на имя Дюменева Ирина Нико-лаевна считать не действительным.	

Yoqimli ishtaha

КАРАМ

Карамнинг шираси ёки қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқни чайкаса, томоқ оғриқларига фойда қилади. Ейилса овоз тозаланади.

ЛАВЛАГИ

Лавлагини қайнатиб шишларга боғланса, уларни шимилтиради ва пиширади.

Лавлагининг шираси ва баргининг қайнатмаси совуқдан ёрилганга ва "тулки" касалига фойда қилади. Агар сепкил бор жойни сода билан ювиб, лавлагининг барги қўйиб боғланса, сепкилни кетказади. Баргининг сиқиб олинган суви сўғалларни кўчиради ва битларни ўлдиради.

Лавлаги баргининг қайнатилгани оловдан куйганга яхши таъсир қилади, асал билан қўшиб суртилса, темирткига фойда қилади.

Суви илтиб қулоққа томизилса, оғриғини босади. Суви билан бош ювилса, қазғоқни кетказади.

Наргиза КОДИРОВА

ТВОРОГЛИ БАТОНЧА

Керакли масалликлар:

500 гр. творог, 1 стакан ун, 1 та тухум, 2 ош қошиқ қаймоқ, таъбга қараб шакар, туз, сода, малина, кунга боқар ёғи.

Творогни яхшилаб эзиб, унга ун, тухум, қаймоқ, шакар ва сода солиб аралаштиринг. Тайёр хамирни узун арқон шаклида чўзиб, 8-10 см. узунликда кесиб чиқасиз. Қизиб турган ёгда батончаларни ҳар икки томони қизаргунча қовуриб оласиз. Совуғач, устига шакар упасини сепиб, малина билан безатиб дастурхонга тортасиз. Озмокчи бўлиб юрганлар бу шириликдан бемалол тановул қилсалар бўлади.

Ёқимли иштаха!

НИЛУФАР

КУЛГИ

— Ҳадеб қарта ўйнайвергандан кўра, менга ҳам жиндай эътибор қилсанг бўларди, — дебди қиз бўлажак турмуш ўртоғига. Йигит эса дебди:

— Мен ҳам шунини истардим. Бироқ унда тўйимиз учун зарур миқдорда пул йиғолмас эдик-да...

Хизматчи ишга кечикиб келипти ва хўжайинига шундай баҳона кўрсатипти:

— Кечаси хотиним ёмон қийналди - боланинг туғилиши қийин бўлди.

Уч ҳафтадан кейин хизматчи яна кеч қолди ва яна ўша сабабни айтди:

— Кеча хотиним ёмон қийналди - боланинг туғилиши қийин бўлди.

— Нима бало, хотинингиз қуёнми ҳар ойда туғадиган?

— Йўқ, доя!

Бир куни ҳайвонот боғига мактуб келипти. Унда "Кўз ойнакли илонни қандай аниқласа бўлади?" деб сўрашган экан.

Илонлар бўйича мутахассис жавоб берибди:

— Агар илон чаққандан кейин ярим соатдан ортиқроқ яшасангиз, билингки, бу кўз ойнакли илон эмас.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

Мирзо Улуғбек туман савдо департаменти томонидан 08.05.2000 йилда СИ 10794, СИ 10795, СИ 10797, СИ 10798, СИ 10799, СИ 10800, СИ 10608, СИ 10609, СИ 10610, СИ 10611, СИ 10612, СИ 10613, СИ 10614, СИ 10615, СИ 10617, СИ 10618, СИ 10619, СИ 10620 рақамли берилган лицензиялар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат Университети томонидан Имомова Матлуба Юсуповна номига 1983 йил ИВ-1 № 280496 рақамли берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

... КОМПЬЮТЕРДАН АФЗАЛ

АҚШ киноси ривожланиб борапти. Соҳага компьютер кириб келгач, унинг имкониятлари чексиз даражага етди. Киночиликда қилинаётган кашфиётлар шу қадар кўпки, уларни санаб адоғига етиш қийин. Яқинда қилинган яна бир кашфиёт бутун кино оламида катта шов-шувга сабаб бўлди.

Гап шундаки, фантастик, даҳшатли кинофильмларни ишлашда кўпинча компьютер

графикасидан фойдаланилади. Бу эса фильм қимматида салбий таъсир қилади. АҚШ киночилари эса бунинг ҳам ечимини топган кўринади.

Ҳозир шундай кўзбойлагичлар мавжудки, улар ишқаланиш, тортишиш кучи ва зарба каби физик ҳодисаларни бошқара олади. Бу одамлар инстинкт, яъни табиий туйғусини кўрсата олади. Масалан, улар йиқилишдан олдин қўллари-

ни чўзиб, хавфни бартараф қилади. "Бунинг яна бир жиҳати шундаки бу ҳодиса содир бўлгунча, характерингда қандай ўзгариш юз беришини сезмайсан", — деб ҳикоя қилади Лос-Анжелесдаги Калифорния университетининг шу соҳа бўйича мутахассиси Петер Фалутсос. Кўзбойлагич актёрлар ўз кўринишини скелет кўринишида ўзгартиради.

"Биз бунинг сўзсиз ўзгартирамиз", — дейди ана шундай кўзбойлагичлардан бири Андреас Петридес New Scientist журналига берган интервьюсида. "У кинофильмнинг арзонлашувига олиб келади. Агар компьютерлар биз қилган ишни арзонга қилса, кейин студиялар улар билан иш олиб боради".

Бехзод БОЗОРОВ тайёрлади, бир-икки жумлани Хуршид қўшиб қўйди.

СКАНВОРД

